



## **АНДИЗ ВА ЗАНЖАБИЛНИНГ ГИПОГЛИКЕМИК ХУСУСИЯТИНИ ЎРГАНИШ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ФОЙДАЛАНИШ.**

**Мамадалиев Ш.И. –**

*фармакология, клиник фармакология ва тиббиёт биотехнологиялари  
кафедраси асистенти*

*Илмий раҳбари: Ҳакимова Рӯзихон Абдурахимовна –  
Андижон давлат тиббиёт институти "Фтизиатрия,  
пульмонология, микробиология ва вирусология" кафедраси доценти, т.ф.н.*

**Муаммонинг долзарблиги.** Қандли диабет (ҚД) дунёдаги энг кенг тарқалган эндокрин касалликдир. Халқаро Диабетик Федерациясининг (IDF Diabetes Atlas) маълумотларига кўра, 2019 йилда дунёда ҚД бўлган bemorлар сони 470,2 миллион бўлган ва 2045 йилга келиб, 628.6 миллион одам диабетга чалинади. 2019 йил 1 январ холатига Ўзбекистонда ҚД билан хасталанган 230 610 та bemor рўйхатга олинган. Скрининг текшируви натиясига кўра, охириги 14 йил ичидаги Ўзбекистонда ҚД 2 турининг тарқалганлиги 1.6 марта ошган ва сўнгти маълумотларга кўра (2017 йил), 35 ёшдан ошганлар орасида бу кўрсатгич 7,9% ни ташкил этади. Асрлар давомида одамлар ва хайвонлар турли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун инстинктив равишда ўсимликлардан фойдаланган. Сўнгги ўн йилликларда ўсимлик дори воситалари ва анъанавий тиббиётга қизиқиш кескин ошиб, “Табиатга қайтиш” трендининг бошланишига олиб келди. Шифобахш ўсимликлар яллиғланишга қарши, антиоксидант, ўсма ўсишига қарши, антивиiral ва антимикробиал каби кенг терапевтик таъсирларга ега. Хозирги кунда замонавий дори воситаларининг 25% ўсимликлардан олинади, шифобахш ўсимликлар ва уларнинг биоактив бирикмалари, айниқса узоқ муддатли фойдаланишда, синтетик дориларга нисбатан хавфсизроқ ва соғломроқ алтернативлар сифатида қаралади . Аммо

таксимларга кўра, фақат 15% ўсимлик турлари кимёвий таркиби бўйича ўрганилган ва тахминан 6% терапевтик таъсири бўйича тадқиқ қилинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот даври мобайнида жами 16 та лаборатория оқ каламушларидан фойдаланилди, хайвонлар вазни хамда глюкоза миқдори ўлчаниб, гурухларга ажратилди. Қандли диабет моделини чақиришдан бир кун олдин хайвонлар оч қолдирилиб, 4% ли аскорбин кислотаси (С витамин) эритмаси берилди, бунга асосий сабаб хайвонларнинг эрта гипергликемия шароитида ўлишини олдини олади. Аллоксан препаратини хайвонларга жўнатилди. Паст сезгирилик (сурункали) аллоксан диабет усули 8 мг/100 гр аллоксанмоногидрат (Ла Чема, Чехия) NaCl 0,9% ли эритмасида эритилиб, 8 кун давомида қорин бўшлиғига 0,5 мл ҳар бир хайвонга жўнатилди. [Баранов В.Г., Соколоверова И.М., Гаспарян Э.Г., Ярошевский Ю.А., Никитина А.И. // Экспериментальный сахарный диабе. 1989. С. 240.]. Қандли диабет модели хайвонлар гипергликемия холатида ўлиб қолмаслиги учун уларга асалли сув ва қорамол бош мияси қайнатиб берилди. Тадқиқотнинг обьекти сифатида лаборатория хайвонларининг қони фойдаланилди. 1-гурухда қандли диабет чақирилмади, 2-гурухда қандли диабет чақирилди, лекин хеч қандай гипогликемик воситалар билан даволанмади. 3-гурухга гликлазид гипогликемик воситаси ва 4-гурухга эса 50 мг/мл миқдорда Занжабил+Андиз ўсимликларини мос равишдаги 1:3 нисбатдаги сувли экстракти юборилди.

**Натижалар.** Дастрраб, хайвонларда сурункали аллоксан юборилгандан сўнг, глюкоза миқдори кескин кўтарилади, хайвонларда кескин ўзгаришлар кузатилади хайвонларнинг тана вазни камайиши, полиурия, гиподинамика ва когнитив ўзгаришлар кузатилади. Интакт ва назорат гурухларида хайвонларда кескин ўзгаришлар кузатилмади, лекин аллоксанли диабет+препарат гурухларига 8 кун давомида препаратлар берилганда глюкоза миқдори пасайганли ва занжабил: андиз сувли экстракти билан даволанганд гурухда қондаги қанд миқдори диабет

чақирилган кундан 28-кунга қадар 12.7 ммол/л дан 8.5 ммол/л камайганлигини тажрибаларда акс этди. Сўнгги пайтларда адабиётларда оксидланиш стресси қандли диабет патогенези хамда унинг асоратларида етакчи ўрин тутишини исботловчи маълумотлар қўплаб учрамоқда. Шундан келиб чиқсан холда бугунги кунда 2-тур қандли диабетни даволашда антиоксидантларни қўллаш тавсия этилмоқда.

**Хуноса.** Экспериментал диабетнинг моделида (занжабил: андиз) ўсимликларининг экстракти (50 мг/мл) берилганда глюкозани қонда камайишига олиб келди. Бунинг сабаби занжабил ва андиз ўсимликларининг 1:3 нисбатдаги аралашмасида антиоксидантлик хусусияти юқорилиги сабаб бўлса керак. Ушбу хусусиятдан фойдаланган холатда туберкулёз ва қандли диабетни коморбид холатида профилактикаси, даволаш хусусиятларини ўрганиб чиқиб, ножўя таъсирлардан ҳоли, иқтисодий жиҳатдан таннархи арzon, маҳаллий дори воситаси ишлаб чиқиш мумкин.

